АСҚАД МУХТОРНИНГ “ЧИНОР” РОМАНИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Шаҳодат НОРОВА
Ўқитувчи
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Тошкент, Ўзбекистон
geraklistich11@mael.com

Аннотация

Мақола ҳозирги кунда жуда кўп тадқиқотлар олиб борилаётган бадиий асар тилини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, Асқад Мухторнинг “Чинор” романидаги фразеологизмлар таҳлилига қўл урилган. Бадиий матнларда энг кўп қўлланиладиган лексик воситалардан бири бўлмиш фразеологизмлар асардан сараланиб олинган ва бу мисоллар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: бадиий асар таҳлили, фразеологик бирликлар, фразема, бадиий-тасвирий воситалар, мазмун плани, семантик-стилистик функция

ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ ИСПОЛЬЗОВАННЫХ В РОМАНЕ АСКАДА МУХТАРА “ЧИНАР”

Шаходат НОРОВА
преподаватель
Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами
Ташкент, Ўзбекистон
e-mail: geraklistich1@mail.com

Аннотация

Статья посвящена анализу языка художественного произведения, которое в настоящее время является предметом многих исследований, а также анализу фразеологии романа Аскада Мухтора «Чинар». Из работы были отобраны фразеологизмы, являющихся наиболее распространенными лексическими средствами в художественных текстах, и эти примеры подверглись научному анализу.

Ключевые слова: анализ художественных произведений, фразеологизмы, словосочетания, художественные средства, содержательный план, семантико-стилистическая функция.

Адабиёт ва унинг жозибаси ҳақида жуда кўп адабиётшунослар ва буюк маърифатпарвар адиблар фикр билдирганлар. Маърифатпарвар адиб, буюк адабиётшунос Абдурауф Фитрат “Гўзал санъатларда товар (материёл)

товуш, оҳанг бўлса гўзал санъат мусиқий бўлади; бўёвлар, чизиқлар бўлса расм бўладир; тош, ёғоч, кирпич, ганж, тупроқ бўлса, меъморлиқ бўладир; тан, муға, муқом, мимика ҳаракатлари эса ўйин бўладир; гап, сўз эса адабиёт бўладир" деб фикр билдиради. "Адабиёт – фикр, туйғуларимиздаги тўлқинларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқинларни яратмоқдир" [4;51] дейди аллома.

Буюк адабиётшунос, ўзбек танқидчилигининг кўзга кўринган вакили Озод Шарафиддинов "Рангсиз тасвирий санъат, оҳангсиз мусиқа бўлмаганидек, тилсиз адабиёт ҳам бўлмайди. Адабиётни инсоншунослик дейдилар. Дарҳақиқат, ёзувчи хилма-хил инсоний характерларни танқид қилиб, жамият ривожига ёрдам берадиган салмоқли ҳақиқатни кашф қилади. Бироқ буларнинг ҳаммаси адабиётда тил орқали рўёбга чиқарилади" [5] дейди.

Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, демак тилсиз тафаккурни, тафаккурсиз эса тилни тасаввур қила олмаймиз. Ижодкорнинг вазифаси эса тафаккурда рўй бераётган кечинмаларни образли ва гўзал қилиб ўқувчига етказишдир. Ўқувчи эса ўқиган асарини ўз дунёқараши ва тафаккури билан анализ қилади, ижодкорни баҳолайди. Шундай экан, ижодкорнинг энг асосий вазифаси, тил бойликлари ва имкониятларидан оқилона фойдаланиш ва ўқувчига тушунарли, ўқувчи қалбидан ўрин оладиган сўзларни топиб ёзишдир.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, санъатлар орасида бадиий адабиёт ўзига хос санъатдир. Бошқа санъатлардан фарқи шундаки, бадиий адабиётнинг асосий материали, хомашёси бўлган тил бадиий адабиётдан ташқарида ҳам муайян мазмун ва шаклга эга бўлади.

Масалан, бошқа санъат турларида ишлатиладиган ранглар, бўёқлар товуш ёки рақс харакатларда ўша санъатдан ташқарида фақатгина моддий

томон бор, яъни улар шунчаки ўз ҳолича маъно англатмайди. Фақат санъаткор томонидан ишлов берилгандагина мазмун касб этади.

Аммо бадиий адабиётнинг материали бўлган тил эса, бадиий асардан ташқарида ҳам лексик ва грамматик маъноларга эга бўлади, яъни маъно англатади. Ёзувчи фақат шу тил бирликларини ўзининг бадиий мақсадига бўйсундуради, асар мазмунини юзага чиқариш учун ишлатади. Тилдан қай даражада фойдаланиш эса, ижодкорнинг савияси ва қобилиятига боғлиқдир.

Яна айтишимиз жоизки, маълум бир санъат асари хоҳ у расм шаклида рассом томонидан яратилган бўлсин, ундан нусха олиш ва айнан шу асарни такрорлаб яратиш мушкул иш эмас, лекин биргина бадиий асарнинг нусхасини яратиш уёқда турсин ўша асарнинг тилини, ёзувчи айнан нима демоқчи эканлигини аниқлашнинг ўзи катта маҳоратни талаб қилаи. Чунки рассом ёки ҳайкалтарош биргина ҳолатни тасвирласа, сўз воситасида биргина бадиий асарда бундай руҳий ҳолатларни ўнлаб, керак бўлса юзлаб келтиради. Бадиий адабиётнинг, умуман, адабиётнинг сўз санъати эканлиги, унинг биринчи унсури тил эканлиги қадим замонлардан бери таъкидланиб келинади. Бадиий асар тилини ўрганиш ва уни тадқиқ қилишга жуда кўп олимлар мушарраф бўлганлар. Бутун умрини бадиий асар тили тадқиқи билан шуғулланишга бағишлаган олим В.Виноградов ўзининг ”Бадиий адабиёт тили ҳақидаги фан ва унинг вазифалари” номли маърузасида бадиий адабиёт тили ҳақида фикр билдириб, “тил” сўзи икки хил маънода қўлланишини таъкидлайди, яъни: 1) у ёки бу миллий тилнинг системасини акс эттирувчи “нутқ”, ёки “матн”(адабий тил тарихи, тарихий грамматика ва лексикология учун таҳлил материали) маъносида; 2) санъат тили, бадиий ифода воситалари системалари маъносида [1;84].

Ўзбек тилшунослигида ҳам бадиий асар тилини ўрганишга қизиқиш катта бўлиб, бир қанча тилшунос олимлар бу соҳада иш олиб борганлар. XX асрнинг биринчи ярмида бадиий аср тилини илмий асосда ўрганишнинг

бошланиши эса икки буюк олим Иззат Султон ва Айюб Ғулом номлари билан боғлиқ эканлигини айтишимиз жоиз.

Биз биламизки, халқ ибораларини қайта ишлашнинг усуллари, уларга янгича маъно бериш, қаҳрамоннинг табиати, руҳий ҳолатига мослаб ўзгартиришнинг ўзига хос йўллари бор. Бу йўлларга: “умумтил ибораси замиридаги маънонинг янгича талқинини очиш, иборанинг лексик таркибини ўзгартириш ва унинг семантик-стилистик функцияларини кенгайтириш, иборага янгича мажозий ва образли маънолар киритиш каби усулларни киритиш мумкин” [6;70]. Демак ҳар қандай асарнинг бадиий қийматини оширишда фраземаларнинг, яъни ибораларнинг ўрни беқиёсдир.

Асқад Мухторнинг “Чинор” романини таҳлил қилишдан олдин адибнинг ижодкор сифатида адабиётда тутган ўрнига эътибор қаратиш ўринлидир. Асқад Мухтор ижодига тўхталар эканмиз ҳамиша халқнинг кўнглини кўтарадиган, одамлар қалбига қувонч, нур олиб кирадиган, уларни ўйлатиб қўядиган, дунёнинг, ҳаётнинг сир-асрорларидан воқиф этадиган сўзларни топиб айтадиган буюк шахсни кўрамиз. Адиб кўзи билан ҳаётга, оламга назар ташласангиз гўё ҳайратлар гирдобига тушасиз, дунё сирга, сеҳрга тўлади, ҳар бир нарса, ҳодиса ўзига хос маъно касб этади [7]. Жумладан, унинг “Чинор” романида ҳам бир сулоланинг тарихи, тақдирлар хилма-хиллиги, шу тақдирлар орқали ўзбек халқининг азалий орзу ва армонларини очиб беришга ҳаракат қилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Асарни ўқир эканмиз фразеологизмларнинг ҳар бир саҳифада турли маъноларни ифодалаб, асарни бойитиб келганини учратамиз. Асқад Мухторнинг бу романи шарқ адабий анъаналарини эслатувчи шаклда ёзилган бўлиб, чинорнинг катта шохларидай ҳар томонга тарвақайлаб кетган қиссалар ҳозирги куннинг жонли воқъелигини акс эттирса, унинг теран илдизлари – ҳикоятлар яқин ўтмиш ҳақида, поэтик романтика қанотида қадим афсоналарга бориб туташади.

Бизга маълумки, воқъеликни образли тасвирлашда, қаҳрамонларнинг табиати, руҳий ҳолати ва ички кечинмаларини очиб беришда фраземаларнинг аҳамияти каттадир. Халқ ибораларини қайта ишлашнинг усуллари, уларга янгича маъно бериш, қаҳрамоннинг табиати, руҳий ҳолатига мослаб ўзгартиришнинг ўзига хос йўллари бор. Фраземалар ҳақида олим Ҳ.Жамолхонов қуйидаги фикрларни келтиради: “Фразема – икки ва ундан ортиқ лексеманинг семантик-синтактик бирлашувидан таркиб топган, шаклан бирикма ёки гапга тенг бўлган, кўчма маъноли турғун(барқарор) қурилма” [2;334].

Профессор, тилшунос олим Ҳ.Жамолхоновнинг фикрига кўра, фраземаларнинг ифода плани (ташқи формаси) ва мазмун плани (ички формаси) бўлади. Фраземанинг мазмун планидаги фразеологик маъно лексеманинг лексик маъносидан мураккаброқдир, чунки у фразема таркибидаги лексемалар боғланишидан келиб чиқади ва умумлашган бўлади. Салбий ёки ижобий баҳо семалари, одатда, фраземаларнинг мазмун планида бўртиб туради, бу омил фраземалардан нутқий таъсирчанликни таъминловчи услубий восита сифатида фойдаланиш имконини беради, айниқса, бадиий асар тилида бундай бирликларнинг роли катта.

Асарда *“кўз олдига келтирмоқ, қулоқ солмоқ, юраги узилгудек бўлмоқ, ҳайрат бармоғини тишламоқ, она сути билан кирган”, “оғир кайфият”, “ишнинг жиловини ушлаб олмоқ”, “хотирини паришон қилмоқ”, “кўнглида бир нима тошдек”* каби салбий ва ижобий бўёқдорликка эга фраземаларга гувоҳ бўламиз .

Масалан, “Чинор билан ёлғиз қолиб, астойдил ихлос билан қулоқ солсангиз, сиз ҳам унинг асрий хаёлларини эшитгандай бўласиз” [3;5] дейилади. Бу ўринда адиб *“қулоқ солмоқ”* иборасидан фойдаланган бўлиб, бу барқарор бирлик “эшитмоқ”, “тингламоқ” феълларига маъно жиҳатдан тенглашади. “Қулоқ солмоқ” ибораси бу ерда адибнинг сўзга усталиги туфайли жуда ўринли қўлланганки, ўқувчини чинор билан ҳам сўзлашиш, унинг овозини эшитиш мумкин эканлиги ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Асарнинг марказида турган чинор дарахтига шунчаки бир қишлоқдаги оддий дарахт эмас, балки ўқувчи кўз олдида жуда кўп воқеларни кўрган, тарихни кўрган мўйсафид тимсолида гавдалантиришга ҳаракат қилади.

*"...Чинордай одам экан!" деб бир карра ҳайрат бармоғини тишламоғи бор" [*3;6]. Бу ўринда эса адиб *"ҳайрат бармоғини тишламоқ"* фразеологизмидан фойдаланган бўлиб, бу турдаги иборалар асарнинг бадиий эстетик қийматини ва таъсир кучини оширишга хизмат қилади. Эътибор қиладиган бўлсак *"ҳайрат бармоғини тишламоқ"* бирикмаси оддий халқ тилида, ёки сўзлашув услубида қўлланмайди. Халқимиз орасида "бармоғини тишлаб қолди" иборасини кўп эшитганмиз, ёзувчи асарнинг таъсирчанлигини ошириш, ўқувчининг руҳиятига кириб бориш учун шу каби экспрессив-бўёқдор иборалардан фойдаланган десак, хато бўлмайди.

Яна бир ўринда адиб фразеологизмдан жуда ўринли фойдаланган. *"Сумбултомчи – ноёб мўъжиза. Уни тасвирлаб кўз олдингизга келтира олишимга ишонмайман. Уни кўз олдига келтириш учун албатта бориб кўриш, соатлаб тикилиб туриш керак" [*3;37].

Адиб бу ерда *"кўз олдига келтирмоқ"* иборасидан фойдаланган бўлиб, бу барқарор бирикма орқали асарнинг янада таъсирчанлигини, асар қаҳрамони бўлмиш Орифнинг ота қишлоғига, она ватанининг табиатига қанчалик меҳр қўйганини кўриш мумкин. Бу ўринда адиб қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очиб бериш, асарнинг бадиий қимматини ошириш учун фразеологик бирикмадан ўринли фойдаланган.

Яна бир ўринда ёзувчи шундай жумлаларни келтиради.*"Одам кўнгилчан бўлади... Меҳр ҳам бойлик, Одам кўзининг қувонгани ҳам бойлик!"* Бу ўринда *"кўзи қувонмоқ"* фраземаси ишлатилган бўлиб, синтактик жиҳатдан феъл туркумига мансуб, семантик жиҳатдан *"хурсанд бўлмоқ"* маъносини англатади. Адиб одам кўзининг қувонганини бойликка тенглаштиради. Бу орқали асарнинг таъсирчанлигини ошириб, озроқ муболағага ҳам ёндошади. Чунки инсоннинг оддийгина бир табиатдан баҳра

олишини ҳам, меҳрни ҳам тенги йўқ бойликка қиёслайди. Албатта, бу ўринда фраземанинг асар бўёқдорлигини оширишда ўрни беқиёсдир.

Асарда бир гапда бир неча фразема келган ўринларни ҳам учратиш мумкин. Бу албатта ёзувчининг маҳорати ва сўз бойлигининг кенглиги билан боғлиқдир. Масалан, бир ўринда шундай ҳолатни кузатиш мумкин*: "Шундан кейин Ориф акага ўша биринчи кунлардаги оғир кайфият, ғашлик яна қайтиб келди. Райкомда ҳам, президиумда ўтирганида, сафарда ҳам кўнглида бир нима тошдек бўлиб турар, ишнинг жиловини ушлаб олишга ҳалақит бериб, хотирини паришон қилар эди"* [3;70].

Биз биламизки, "Чинор" романида бир ўзбек оиласининг тақдири, юртнинг ҳар томонига тарқаб кетган ака-ука, опа-сингилларнинг тақдир йўллари очиб берилган. Чуқурроқ мушоҳада юритсак, аслида адиб бир оила тимсолида ўзбек халқининг дарду ҳасратларини, ўша даврдаги сиёсий бўронларни очиб беришга ва ўқувчини мушоҳада юритишга мажбур қилган. Албатта, бу ўринда фраземаларнинг ишлатилиши берилган жумланинг таъсир кучини оширишда хизмат қилган десак, хато бўлмайди. Бу жумлада *"оғир кайфият", "ишнинг жиловини ушлаб олмоқ"," хотирини паришон қилмоқ" ,"кўнглида бир нима тошдек"* каби ибораларни учратиш мумкин. Бу фраземалар асар қаҳрамони бўлмиш Орифнинг, ўзбекнинг халқпарвар, юрт ғами билан ёниб яшайдиган бир ўғлонининг ички руҳий кечинмалари, туғёнларини очиб беришга хизмат қилган.

Ёзувчи *"ишнинг жиловини ушлаб олмоқ"* иборасини қўллаб, қаҳрамоннинг қанчалик ишига содиқ, меҳнаткаш ва маъсулиятли инсон эканлигини очиб бериш учун фраземадан ўринли фойдаланган. Кейинги ўриндаги фраземалар – *"хотирини паришон қилмоқ", "кўнглида бир нима тошдек"* каби бирликлар эса қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, қалбида кечаётган қарама-қаршиликларни образли тарзда очиб беришга хизмат қилган.

"Қумри – Сарагулнинг ҳамқишлоғи, жуда яқин дугонаси, етим қиз эди. Фермада ишлаб юрадиган бу қизни Ориф танир эди, юраги ачишиб кетди,

хотинининг бошини силади” [3;43]. Бу ўринда эса “юраги ачишиб кетди” иборасидан фойдаланилган бўлиб, бу ибора орқали қаҳрамоннинг кўнгилчан ва меҳрибон инсон эканлигига адиб ишора қилган. Асарни ўқир эканмиз адибнинг ҳар бир қаҳрамон тақдирига шунчаки ёндошмаслигини ва образларни очиб бериш учун бадиий тил воситаларидан етарлича фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, асардаги тасвирий воситаларнинг кўлами кенг бўлиб, фразеологик бирликлар ҳам асар қимматини оширишга, ўқувчи қалбига етиб боришида ўз ўрнини эгаллаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Виноградов В.В. Проблемы русской стилистики. – Москва: Высшая школа,1981. – 84 с.
2. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2013. – 402 б.
3. Мухтор, Асқад. Чинор. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 389 б.
4. Умаров Х. Адабиёт қоидалари. – Т: Ўқитувчи, 2003. – 224 б.
5. Шарафиддинов О. Адабиёт тилдан бошланади. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1986.
6. Шаабдурахманов Ш.О. Художественных особеннестях поэмы “Равшан”. – Ташкент, 1949. – 150 с.
7. WWW ziyo.uz.com